




XASR



IJTIMOIIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 11-AVGUST, PAYSHANBA, 32 (664)-SON

e-mail: xxi_asr@uamail.uz, web sayt: www.21asr.uz



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!



Менинг энг катта ишончим – ёш авлоддир. Замонавий билимга эга, одобли, илмли, кўрсанг ҳавасинг келадиган, баркамол ва шижоатли фарзандларимиздир. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдирини ҳам ана шулар қиёфасида кўраман.

Ислон КАРИМОВ

O'zLiDeP ТАШАББУСИ



Кеча Тошкентда Тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ташаббуси билан “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида Ёш тadbirkorlar va fermerlar forumi бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati сифатида катта ишонч билдирилаётган ёшлар учун унутилмас онларни ҳада этди. Бу эса O'zLiDeP дастурий гоёлари ва мақсадларининг ёшлар кўнглига қанчалик яқин эканлигидан далолатдир.

ПАРЛАМЕНТДА



Қонун лойиҳалари муҳокама этилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда долзарб аҳамият касб этувчи бир қатор қонун лойиҳалари биринчи ўқишда муҳокама этилди.

Фракция раҳбари Содиқжон Турдиев бошқарган йиғилишда депутатлар томонидан дастлаб “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги ва “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунлар лойиҳалари концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан сўзга чиққан депутатларнинг таъкидлашича, Вазиirlar Мақамаси томонидан киритилган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ёхуд амалдаги қонуннинг янги таҳририда ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим принциплари ва йўналишлари аниқ белгиланган. Бундан ташқари, ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги давлат, ҳудудий ва бошқа дастурлар алоҳида моддада очиб берилган.

Давоми 2-саҳифада >>

Биз мустақил юртнинг мустаҳкам қанотларимиз

Таъкидлаш жоизки, узоқ кутилган тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati кизгин ва кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 300 дан зиёд ёш тadbirkorlar va fermerlar катнашди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кў-

митаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари С. Турдиев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ректори М. Алиев, Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ва бошқалар истиқлол

йилларида хусусий мулк ва тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati ликка кенг йўл очилганини, ушбу форум эса кичик бизнес ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш йўлида олиб борилаётган изчил ислохотларнинг ёрқин самараси сифатида мамлакатимизда ёш

мулкдорлар қатлами шаклланганлигини тарғиб этиш ва улар учун мулоқот майдонини яратиш мақсадида ташкил қилинганлигини алоҳида таъкидлашди.

Давоми 3-саҳифада >>

САРҲИСОБ

Фаоллик ва ташаббускорлик – электорат манфаати

партия фаолиятида доимий устувор вазифа ҳисобланади

Истиқлолимизнинг муборак тўйи арафасида O'zLiDeP ташкил этаётган тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati янада кенг қамровли, мазмун ва шижоатта бой бўлмоқда. Айниқса, партиянинг ярим йиллик фаолияти сарҳисобига бағишланган видеоконференцияда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, кичик бизнес, хусусий тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati ва фермерликни ривожлантиришда партия иштирокини кенгайтириши, янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, бошланғич партия ташкилотлари ва аъзолар сонини кўпайтириш каби муҳим масалалар батафсил таҳлил қилинди.

САРҲИСОБ ҲАРАКАТГА УНДАЙДИ

– Партиямиз фаолиятини сарҳисоб қилишга бағишланган бугунги кўшма йиғилишимиз мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида ўтаётгани билан янада аҳамиятлидир, – деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Содиқжон ТУРДИЕВ. – Бугун ҳамма ана шу байрам шукри билан яшамоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, истиқлол халқимизнинг фидокорона меҳнати ва маънавий жасорати маҳсулидир. Бундан ташқари, истиқлол йилларида партиямиз асосини ташкил қилувчи ўрта қатлам – мулкдорлар синфи шаклланиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Иш билан банд аҳолининг қарийб 80 фоизи шу соҳада меҳнат қилаётир.

Давоми 4-саҳифада >>

СЎЗ – ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Сарвиноз ШОКИРОВА, “Сарвиноз Собиржонвна Файзи” фермер хўжалиги раҳбари, Сирдарё вилояти

– Бир пайтлар аёл кишининг фермерлик фаолияти билан шуғулланиши ғайриоддий ҳодисадек туюлар эди. Аммо шижоат ва кучли истак мени ер билан тиллашишга ундади. Ҳозирги кунда пахта, ғалла, пилла етиштириш билан бирга, боғдорчилик билан ҳам шуғулланаман. Фермер хўжалигимни икки ишчи



билан бошлаганман. Ҳозирда уларнинг сони 15 нафарни ташкил этади.

Шухрат ТОШПҮЛАТОВ, фермер, Сурхондарё вилояти



– Ёшларни тadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati қилишга жалб этиш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар натижасида ишлаб чиқа-

Келажакда сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган, нон маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган цех ташкил этмоқчиман.

Форумда фермер хўжалиги фаолиятини янада ривожлантириш, жорий этилган имтиёз ва преференциялар ҳақида бот-бот такрорланди. Жумладан, кўп тармоқли фермер хўжалигининг афзаллигини, даромад олиш имкониятларининг кенглиги тўғрисида айтилган фикрлар фаолиятимизда асқотишига ишонаман.

ни ҳам йўлга қўйганмиз, 28 бош насли қорамол парвариш қилинган. 24 киши иш билан банд. Яқин орада фаолиятимизни янада кенгайтиришни режалаштиряпмиз. Насли қорамоллардан олинаётган сутни ўзимизда қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида хорижий ҳамкорлар билан яқиндан мулоқот қиляпмиз. Бугунги форумда ўз бизнес режамни янада бойитишга, мутахассислардан тегишли маслаҳат олишга муваффақ бўлдим. Форум доирасида ўтказилган бизнес лойиҳалар тақдими менда янги гоёлар тугилишига сабаб бўлди.

Давоми 2-саҳифада >>

МУНОСАБАТ

Кичик бизнес – тараққиёт омили



Клара ЖУМАМУРАТОВА,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Йигирма беш йил... Тарих учун жуда оз муддат. Лекин, ана шу қисқа вақт ичида Ўзбекистонда оламшумул ўзгаришлар рўй берганлиги ҳақиқат. Истиқлол туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Бу эса ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун, унинг манфаатлари учун деган эзгу даъватнинг амалдаги ифодасидир.

Давоми 2-саҳифада >>

1 Австралия доллари	2263,07	1 АКШ доллари	2974,20	1 Ҳитой коани	446,77	1 Польша злотийси	771,64	1 ЕВРО	3324,04
1 Англия фунт стерлинги	3892,34	1 Миср фунти	334,94	1 Россия рубли	45,35	1 СДР	4155,73	10 Жанубий Корея вони	26,74
1 Дания кронаси	444,08	1 Исландия кронаси	24,82	1 Украина гривнаси	119,90	1 Туркия лираси	993,09	10 Япония немаси	291,67
1 БАА дирхами	809,83	1 Канада доллари	2259,34	1 Малайзия рингити	736,19	1 Швейцария франки	3037,07		

ЖАРАЁН

Орзулари ушалаётган эл



Жамол НОСИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганига 25 йил бўлди. Ана шу қисқа давр мобайнида асрларга таъриқлик улкан ютуқларга эришилди.

Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйди. Юртимизда фаолият кўрсатаётган юзлаб қўшма корхоналар, хорижий инвесторларнинг диёримизга, меҳмондуст ва шижоатли халқимизга хурмат юксак.

Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида қилинган ишлар ҳам эътирофга лойиқ. Айниқса, миллий спорт уйинларига кенг йўл очилгани, ўзбек курашининг жаҳон спорт майдонида обрў-эътибор топгани, миллий кураш бўйича ўтказилаётган қитъа ва жаҳон биринчиликлари истиқлолнинг халқимиз ҳаётида нақадар муҳим эканлигини кўрсатади. Спортчиларимиз қўлга киритаётган ютуқлар эса юртимиз довуғини дунёга ёймоқда.

Ўтган йиллар давомида биринчи галда қонун устуворлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат вази-фаларини босқичма-босқич жамоат тизимларига ўтказиш кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, аввало, халқ фаровонлиги, тинчлик, оёсийшталликни қўлаб қилинаётган ишлардир. Шунинг қувонч билан таъкидлаш жоизки, истиқлол йилларида жаҳон ҳамжамияти

етук кадр бўлиб вояга етишида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбарининг "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" номли китобида истиқлол йилларида эришган муваффақиятларимиз, мустақилликнинг мазмун-моҳияти, унинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти ҳақида кенг фикр юритилган. Мазкур асарда давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим тарихий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов жараёнидаги сайловчилар билан учрашуви, Парламентимизнинг иккала палатаси қўшма мажлисидаги нутқи, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюси ва қатор муҳим маърузалари ўрин олган. Асарнинг қиймати шундаки, унда "Ким эдигу, ким бўлди" деган савол теран мушоҳада қилинган. Истиқлол берган улугъ неъматнинг нақадар улугъворлиги аниқ мисоллар воситасида, моҳирона кўрсатиб берилган. Бу китоб орта назар ташлаш, бугунги кунларга қандай машаққат ҳамда қийинчиликлар эвазига эришганимизни яна бир бор чуқур англашга имкон беради.

Бугун демократик ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан илдам борар эканмиз, энг аввало, истиқлол ниманинг эвазига қўлга киритилганини англаш, унинг замирида инсон манфаатлари, орзулари ушалаётган халқимизнинг кадр-қиймати устувор эканини унутмаслигимиз лозим.

Кичик бизнес — тараққиёт омили

«Давоми. Бошланғич 1-сahифада»

Энг аввало, мустақиллик йилларида мамлакатимиз илгариги қароқ, иқтисодий биёрқлама ривожланган, пахта яккахоқимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифати изчил юксалиб бораётган мамлакатга айланган бўлса, бугунги кунга келиб, иқтисодийта саноятнинг улуши 34 фоизга етди, экспортбор ва рақобатбардош махсулотларнинг 70 фоиздан зиёди юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётир.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодийта қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 12 баробардан зиёд ошганлиги, ялли ички махсулотнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида 8 фоиздан кам бўлмаддан келатганлиги, албатта, бутун дунёда "ўзбек модели" деб тан олинган тамойилнинг амалий натижасидир.

Ушбу муваффақиятларга эришишда марказда ва жойларда қулай ишбилармонлик, инвестициявий муҳитни шакллантириш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, унинг ривожланиши йўлидаги барча говларни бартараф этиш, тарихан қисқа давр ичида иқтисодийнинг етакчи тармоғига айланган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, банк тизимини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, иқтисодийта в ҳўжа-лик юритувчи субъектлар учун солиқ юкини янада камайитириш, молия базори барқарорлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишларнинг бугунги кундаги амалий натижасини алоҳида эътироф этиш зарур. Таҳлилларга қўра, охириги 15 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун солиқ ставкалари етти баравардан зиёд

пайтирилди. Бир пайтнинг ўзида, фақатгина солиқ юки йилгига ўртача 0,43 фоиз камайганлиги эвазига мамлакат ялли ички махсулотларидаги йиллик кўрсаткичининг ўсиши тахминан 0,35 фоизни ташкил этди. Бу, айни пайтда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялли ички махсулотларидаги улуши 56,5 фоизга етганлигига ҳам катта ҳисса қўшди.

Шу ўринда мамлакатимизда янада қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар натижаси ўлароқ, глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётгани, товар бозорларида талабнинг кескин камайиб бораётгани ва конъюктуранинг беқарорлиги қўлгана давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига, инвестиция фаоллигининг сусайиши ва четга капитал чиқиб кетишининг кучайишига олиб келаятганига қарамай, Ўзбекистон ҳар йили энг муҳим юқори технологияли ва замонавий объектлар ҳамда қувватларни ишга туширишни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгиллаш жараёнларини чуқурлаштиришга қаратилган, илгор маҳаллий саноят сийсати учун пойдевор бўлган инвестициялар ҳажминини ошириб бормоқда.

Уз ўрнида мазкур инвестициялар иқтисодийтимизнинг жадал ривожига хизмат қилмоқда. Муҳими, иқтисодийта амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида нодавлат секторнинг асосий капиталга инвестиция қўйилмаларидаги улуши бугунги кунга келиб 1991 йилдаги 24,1 фоиздан 80,9 фоизга ўсган. Айни вақтда, ушбу инвестицияларнинг асосий қисмини саноят корхоналари амалга оширмоқда.

Экспертларнинг таъкидлашича, кичик бизнес субъектларининг саноятдаги улуши 2000 йилда 18,8

фоизни ташкил этган бўлса, бугун бу кўрсаткич 37,3 фоизга етди. Хизмат кўрсатиш соҳаси эса 45,7 фоиздан 59,5 фоизга етди. Бу каби муваффақиятларга тадбиркорларимиз томонидан мамлакатимизда биз учун мутлақо янги бўлган автомобильсозлик, нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари санояти, темир йўл машинасозлиги, маийш электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқима-чилик санояти, ахборот-коммуникация технологиялари каби соҳа ва тармоқларга асос солинган сабаб бўлаётганлигини мамнуният билан қайд этиш жоиз.

Энг муҳими, мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимиз ва давлатимизнинг қудратли таянчига айланиб бораётган, жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётининг барча жаҳалларини либераллаштириш сийсати натижасида юзага келган ўрта синф, яъни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати иқтисодийтимизнинг барқарор ўсиши, аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам ўз улушини қўшмоқда.

Шундай экан, ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мулк ва тадбиркорликка оид долзарб муаммоларни ҳал этиш, соҳага доир қонунчиликни янада такомиллаштиришни мақсад қилган О'зЛиДеР мамлакатимиздаги демократик жараёнларда фаол иштирок этаётган сийсий куч сифатида бундан буён ҳам ўз электорати манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш, сайловчилари олдидаги масъулиятли ва шарафли вазифани адо этиш учун барча имкониятларини ишга солади. Зеро, эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз ўзимизга, мавжуд имкониятлардан қай даражада оқилна фойдаланишимизга боғлиқдир.

интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлоднинг камол топишида ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Йигилишда О'зЛиДеР фракцияси аъзолари мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқуллаб, уни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмитага таклиф ва фикр-мулоҳазаларни тақдим этишини маълум қилди.

Шунингдек, йигилишда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси юзасидан

фуқаролар манфаатларини муҳофаза қилиш, инсон ҳаётини асрашдек эзгу мақсадлар муҳим. Унга қўра йўл ҳаракати қатнашчиларининг мажбуриятлари кенгайтирилмоқда, ҳаракатланаётган вақтда автомобиль салонидан тана қисмларини (қўлдан ташқари) чиқариш тақиқланаётганлиги, мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётган ҳайдовчи ва йўловчилар махсус мототолем кийиб, уни қадаб олишлари шартлиги белгиланаётгани фикримизнинг исботидир.

Таҳлиллар мамлакатимизда йўл ҳаракати ҳодисаларининг аксарият қисми пиёдалар

ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Фракциямиз аъзоси Тўлқин Каримов мазкур қонуннинг мақсади ва унга киритилаётган ўзгаришлар ҳақида тўхталди. Нотиқнинг таъкидлашича, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига бевосита дахлдор бўлган, замон талаби асосида ривожланиб бораётган йўл-транспорт инфратузилмаси, миллий автомобилсозлик санояти юртимиз равақидаги муҳим тармоқлардан бирига айланди. Бу, ўз навбатида, соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, йўл-транспорт қоидаларини такомиллаштириш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни тақозо этади.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида

билан боғлиқ ҳолда содир этилаётганини кўрсатмоқда. Ушбу ҳодисалар асосан пиёдаларнинг светофор ишоралари, йўл белгилари ва чизикларининг талабига риоя этмаслиги, йўлнинг пиёдалар учун тақиқланган қатнов қисмида бўлиши ва бошқа хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслиги натижасида келиб чиқмоқда. Бу эса ушбу қонун лойиҳасининг нақадар долзарблигини кўрсатади.

Йигилиш якунида кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан О'зЛиДеР фракциясининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ақбар МУЗАФФАРОВ, "XXI asr" мухбири

Қонун лойиҳалари муҳокама этилди

жамиятда тутган ўрнини янада мустаҳкамлашда ҳуқуқий асос вазифасини ўтайди. Айниқса, фракциямиз аъзолари томонидан қонун лойиҳасининг 28-моддаси кенг муҳокама этилмоқда. Чунки мазкур модда партия Дастури ва Сайловолди платформасидан келиб чиқадиган вазибаларга ҳамоҳанг бўлиб, унда ёшлар тадбиркорлиги ташкил этилиши, уларга имтиёзли кредитлар берилишининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ўз ифодасини топмоқда.

Умуман олганда, мазкур қонуннинг янги таҳрирда кучга кириши жисмонан соғлом, маънан етук, қўллаб касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил ва ижодий фикрлашга қодир,

депутатлик гуруҳида олимлар, малякали мутахассислар, экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан ҳамкорликда муҳокама этилди. Муҳокама жараёнида илгор хорижий давлатларнинг бу бордаги қонунчилиги таҳлил этилиб, ижобий ютуқлари ўрганилганини алоҳида қайд этиш лозим.


Тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида

депутатлик гуруҳида олимлар, малякали мутахассислар, экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан ҳамкорликда муҳокама этилди. Муҳокама жараёнида илгор хорижий давлатларнинг бу бордаги қонунчилиги таҳлил этилиб, ижобий ютуқлари ўрганилганини алоҳида қайд этиш лозим.

"Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси фракциясида ҳам қизгин муҳокама қилинди. Фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳаси билан жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулки ҳимоя қилинишини таъминлаш ички ишлар идораларининг асосий вазибаларидан бири этиб белгиланганини алоҳида эътироф этишди. Бу, ўз навбатида, хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш йўлида кейинги йилларда қабул қилинган қатор қонун ҳужжатларининг ўзига хос мантйий давоми бўлиб, партиямиз Сайловолди дастурида назарда тутилган устувор мақсад ва вазибаларга тўла мувофиқ келади.

Мазкур қонун лойиҳасининг асосий мақсади ички ишлар органлари фаолиятини амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу органларнинг ҳуқуқий мақоми, асосий вазибалари, вако-

Ҳуқуқ ва манфаатлар ҳимояси йўлида



Раҳимжон ҲАКИМОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси

Мустақиллигимизнинг ўтган даврида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, қонун устуворлиги амалда таъминланиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинмоқда.

Бунинг исботини кундан-кунга фаровонлашиб бораётган тинч ва осуда ҳаётимиз, юртдошларимизнинг меҳнатга бўлган муносибати, уларнинг юз-кўзларида акс этган бахтиёрлик ифодасида кўриб туриб-миз. АҚШда фаолият кўрсатаётган Гэллап институтининг ижтимоий фикрини ўрганиш маркази томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" мавзусида 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган тадқиқот натижаларига қўра, Ўзбекистон дунёдаги 141 та давлат орасида 2-ўринни эгаллагани ана шундай эзгу ва узоқни ўйлаб бошлаган ислохотларимизнинг тасдиғи бўлди.

Президентимиз Бош Қомусимиз қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали йиги-

лишда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш ва демократлаштириш жараёни бир уринишда ҳал бўладиган вазифа эмаслиги, балки Конституциямизда муҳрлаб қўйилган мақсад ва принципларни амалга ошириш йўлидаги узлуксиз давом этадиган жараён эканлигини таъкидлаган эди. Шунингдек, бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятини тартибга солидиган қонуннинг йўқлигини, мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатиш киритиш зарурлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Ана шу мақсадда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Айтиш жоизки, ушбу қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сийсий партиялар фракциялари ва

Мазкур тадбирда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзолари — Раҳматилла Каримов ва Дилором Файзиева ҳам истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, қонунчиликнинг ривожланиши, қонун ижодкорлари томонидан илгари сурилаётган масалалар, ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси таъминланиши, эркин ишбилармонлик муҳитининг яратилишида бош омил бўлаётгани хусусида сўз юритдилар.

Ушбу муваффақиятларга эришишда марказда ва жойларда қулай ишбилармонлик, инвестициявий муҳитни шакллантириш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, унинг ривожланиши йўлидаги барча говларни бартараф этиш, тарихан қисқа давр ичида иқтисодийнинг етакчи тармоғига айланган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, банк тизимини ислоҳ қилиш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар муҳим аҳамият касб этди.

Хусусан, иқтисодийта в ҳўжа-лик юритувчи субъектлар учун солиқ юкини янада камайитириш, молия базори барқарорлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишларнинг бугунги кундаги амалий натижасини алоҳида эътироф этиш зарур. Таҳлилларга қўра, охириги 15 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун солиқ ставкалари етти баравардан зиёд

"Агробанк" акциядорлик тижорат банкида О'зЛиДеР Чилонзор туман Кенгаши ва "Агробанк" АТБ бошланғич партия ташкилоти ҳамкорлигида "Ўзал ва бетакороримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори асосида "Ким эдигу, ким бўлди" мавзусида мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Байрамолди тадбири

Унда "Агробанк" АТБ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Ботир Зарипов сўз олар экан, мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга ошириб келинаётган кенг қамровли ислохотлар, барча соҳаларда қўлга киритилаётган муваффақиятлар тўғрисида тўхталди. Хусусан, республикада фаолият юритаётган банклар ўтган қисқа даврда халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида ривожланиб, тараққий этиб, энг қувончли, ҳар йили халқаро молия муассасаларининг эътирофига сазовор бўлаётгани ибратлидир. Шу маънода "Агробанк" жамоаси фаолиятининг улугъ байрамимиз арафасида халқаро "Мудис" ва "Фитч рейтинг" рейтинг агентликлари томонидан яна бир бора "барқарор" дея баҳолангани ўзгача фахр бағишлайди.

Мазкур тадбирда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракцияси аъзолари — Раҳматилла Каримов ва Дилором Файзиева ҳам истиқлол йилларида эришилган ютуқлар, қонунчиликнинг ривожланиши, қонун ижодкорлари томонидан илгари сурилаётган масалалар, ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга татбиқ этилиши мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси таъминланиши, эркин ишбилармонлик муҳитининг яратилишида бош омил бўлаётгани хусусида сўз юритдилар.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ, "Агробанк" АТБ Матбуот хизмати етакчи мутахассиси

ФОРУМ

Биз мустақил юртнинг мустаҳкам қанотларимиз

« Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Гуруҳлар билан ишлаш жараёнида айна пайтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда кўриб чиқилган «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳасида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар кўзда тутилган.

– Ҳар бир инсон, энг аввало, ўз ҳаётини мазмунан бойитиш, эзгу ишлари билан атрофдагиларга ўрнатқ бўлиш орузида яшайди, – дейди форум иштирокчиси Камол Ниязов. – Мен ҳам тенгдошларим сингари мамлакатимизда яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган

улкан эътибор ва ғамхўрлик ҳам муҳим омил бўлаётир.

Форум доирасида ёшларни тадбиркорликка бўлган қизиқишини ошириш мақсадида турли ўқув машғулоти, семинар-тренинглари ташкил этилди. Хусусан, «Ўзбекистон иқтисодиётида ёшлар ташаббуслари: муваффақиятлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида анжуман ҳамда шуъбаларга бўлинган ҳолда давра суҳбатлари ўтказилганлиги шулар жумласидандир. Илғор тадбиркор ва фермерлар томонидан ўтказилган «Муваффақиятли бизнес ташкил этиш йўллари» мавзусида маҳорат сабоқлари ҳам форум иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Шунингдек, тадбирда ёш ишбилармон ва фермерлар эришаётган ютуқлар акс этган фотокўргазма ва улар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар намойиши ташкил этилди.



ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ ВА ЁШЛАР

ҳолда тадбиркорликка қўл урдим. Ўзим раҳбарлик қилаётган «TRADING MENEAGEMENT GROUP» корхонаси маркетинг, консалтинг ва брокерлик фаолияти билан муваффақиятли шугулланиб келмоқда. Ҳозирда корхонамиз 150 дан зиёд тадбиркорлик субъекти билан шартномалар тузиб, МДХ мамлакатлари миқёсида ўз филиалларини кўпайтириб бормоқда.

Таъкидлаш керак, бугунги ёшлар яратилган имконият ва шароитлардан оқилона фойдаланиб, салмоқли ютуқларга эришмоқда. Бу йигит-қизларни Президентимиз таъкидлаганидек: «Эртанги кунимизнинг таянчи ва сунъанчи бўлмиш ёш авлодимизнинг янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, шу юртнинг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдири ва келажиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етаётганидан», маррани юксак олаётганидан далолат беради. Юртимиз ёшлари эришаётган муваффақиятларда мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига қаратилаётган

Форумда қишлоқ хўжалиги соҳасига янги иқтисодий муносабатларни жорий этиш, биринчи навбатда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда ёшлар иштирокини кенгайтириш борасида O'zLiDeP томонидан олиб борилган ибратли ишлар хусусида ҳам сўз юритилди. Эътиборли жиҳати, ҳозирги кунда юртимизда 88 мингдан ортиқ ёш тадбиркор ва минглаб фермерлар самарали фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, фермер хўжаликлари жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 92 фоизини ишлаб чиқариш баробарида қишлоқни ривожлантиришда етакчи кучга айланмоқда.

– Мустақиллик йилларида бутун халқимиз ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида том маънодаги улкан ислохотлар амалга оширилди, – деди O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев. – Партиямиз ҳам Ўзбекистонда иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг жадал суръатлар билан амалга оши-

рилиши учун ўз зиммасига олган масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда истиқболдаги дастурий мақсад ва вазифаларни ҳаётга фаол татбиқ этиб келмоқда. Жумладан, ёшлар билан ишлаш йўналишида 2004-2016 йиллар давомида «Буюк келажак сари», «Диплом билан – бизнесга», «Ёш фермер», «Келажак фермери», «Сенинг тенгдошинг», «Мустақиллик туфайли мулкдор бўлдим» каби 15 га яқин турли ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди.

Асосийси, ушбу лойиҳалар орқали кўплаб ёшлар, аниққса, чекка ҳудуд-

кредит олишга эришди.

Ўтган йиллар мобайнида «Ишбилармон талаба», «Келажак фермери» танловлари ғолибларидан жами 500 нафар академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Ўзбекистон Фермерлари кенгаши билан ҳамкорликда таъсис этилган стипендиялар билан тақдирланди. Ушбу саъй-ҳаракатларимиз Ватанимизнинг эртанги кунини ҳал қилувчи кучи бўлишга қодир ёш мулкдорларнинг янги авлоди шаклланишига хизмат қилмоқда.

Кези келганда, тадбиркорлик субъектларида ёш раҳбарлар улуши

даврага жамлади ва ўз иқтидорларини намойён этиш ҳамда мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига қўшаётган улушининг янада ўсишига имкон яратди.

Ишонч билан айтиш керакки, O'zLiDeP ташаббуси билан илк марта ташкил этилган Ёш тадбиркорлар ва фермерлар форуми ўз олдида кўйган ана шундай эзгу мақсадларга эришди. Тадбир нафақат мустақиллик шарофати билан яратилган имкониятлардан унумли фойдаланаётган ёш тадбиркор ва фермерларнинг ютуқларини намойиш этиш, балки ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, ёш ишбилармонлар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш йўллари муҳокама қилиш учун ўзига хос мулоқот майдонига айланди. Форум иштирокчилари мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизни дунёнинг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамияти куриш йўлида ёшлар олдида турган

долзарб вазифаларни муҳокама қилишди. Бу борада бир тану-бир жон бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлашди.

Энг муҳими, юртимизда ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг илм-фан, техника, ахборот технологиялари, маданият, санъат, спорт ҳамда тадбиркорлик ва фермерлик соҳасидаги ташаббуслари давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланапти. Зеро, бу давр талабидир. Ёш тадбиркорлар ва фермерлар форуми ҳам O'zLiDeP бу борада аниқ мақсад ва гоёларни илгари сураётганининг яққол намойиши бўлди. Бундай лойиҳалар орқали партия аҳоли кенг қатлами, аниққса, ёшларнинг қалбидан чуқур жой олган нуфузли сиёсий куч сифатида жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшиб келаётир.

Акбар МУЗАФФАРОВ,
Дилноза НОМОЗОВА,
Ҳасан САЛОМОВ,
«XXI asr» мухбирлари



ларда истиқомат қилаётган навқирон авлод вакиллари ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш билан бирга тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириб, ўз бизнесларини самарали йўлга қўйганлигини алоҳида эътироф этиш керак. Жумладан, «Диплом билан – бизнесга» лойиҳасининг ўтган даврдаги таҳлилига эътибор қаратадиган бўлсак, 2011-2015 йиллар мобайнида жами 50 минг нафар ёш лойиҳага жалб қилиниб, шундан қарийб 4 минг нафари 22,5 миллиард сўм миқдоридан

32 фоиздан ошганлигини таъкидлаш жоиз. Қишлоқ жойларида эса мавжуд фермер хўжалиқларининг салмоқли қисмини ёшлар бошқарапти. Улар томонидан турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Эътиборлиси, ёш тадбиркор ва фермерлар мамлакат иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшиш баробарида тенгқурлари бандлигини таъминлашда ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Айтиш керакки, ушбу форум ана шундай шижоатли, ишбилармон ёшларни бир



Солиҳ ЗОИР, Шўхрат РАХИМОВ олган суратлар

СЎЗ – ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА



Назokat СОБИРОВА,
тадбиркор,
Термиз шаҳри



Рустам МУЗАФФАРОВ,
тадбиркор,
Қашқадарё вилояти



Шоҳсанам СОДИҚОВА,
«Умида нон» оилавий корхонаси раҳбари,
Самарқанд вилояти

– Олти ёшимдан буён ўзбек миллий гиламлари, бежирим нақшли сумкалар тўқиб келаман. Юртимизда биз – ёшларга яратилган имкониятлар туфайли бугун мен ёш тадбиркорлар сафидан жой олдим. O'zLiDePнинг лойиҳалари эса ҳуқуқий билимларимнинг ўсишига, ишбилармонликнинг сир-асорини ўрганишимга кўмак бермоқда. 2013 йилда O'zLiDePнинг «Ишбилармон талаба» танловининг республика босқичи ғолиби бўлганман.

Айна пайтада яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб, икки нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминладим. 10 нафардан зиёд шоғирдим бор. Келгусида катта корхона раҳбари сифатида кўплаб ёшлар бандлигини таъминлаш, ўз маҳсулотларимни хорижга экспорт қилиш ниятидаман.

– Тўрт йилдан буён тадбиркорлик билан шугулланаман. 2012 йилда «Шаҳрисабз кулолчилик мактаби» хусусий корхонасини ташкил этгандик. Корхонамизда уй-рўғор буюмлари ва гултувақлар тайёрланади. Шунингдек, қадим Шаҳрисабз кулолчилик мактаби анъаналари асосида турли миниатюра асарларини ҳам ясаймиз. Юртимизга келган сайёҳлар корхонамизда ишлаб чиқарилган ана шундай маҳсулотларни харид қилаётгани меҳнатимиз юксак қадр топаётганидан далолатдир.

Бугунги кунда корхонамизда 21 киши иш билан банд. Келгусида фаолиятимни янада кенгайтириш, маҳсулотларимни хорижда бўлиб ўтадиган кўргазмаларда намойиш этишни режалаштирялман. Бунинг учун ёшлар тадбиркорлигини ҳам қўллаб-қувватлаб келаётган O'zLiDeP билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга ҳаракат қиламан.

– Ўтган йили Иштихон транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежини тугатиб, «Умида нон» оилавий корхонасини очган эдим. Аввалоги айрим муаммоларга дуч келганимда, уларни қандай бартараф этаман, дея иқтидорим ҳам. Аммо яқинларимнинг қўллаб-қувватлаши мени олға юришга ундади. Айна пайтада корхонада 10 нафар кишининг бандлиги таъминланган.

Бундан ташқари, O'zLiDeP томонидан ташкил этилган танловларда иштирок этиб, ўз билимимни синовдан ўтказдим. Жумладан, «Хавфсиз интернет», «Диплом билан бизнесга – 2014», «Мулкдор оила – 2015», «Ишбилармон аёл – 2016» кўрик-танловларида совринли ўринларни қўлга киритдим.

Форумдан жуда катта таассурот билан қайтаман. Эндликда тикувчилик цехини очиб, ушбу йўналишда ҳам муваффақиятларга эришиш асосий мақсадларимдан биридир.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Фаоллик ва ташаббускорлик –
электорат манфаати

партия фаолиятида доимий устувор вазифа ҳисобланади

25
ЙИЛ

«Давони. Бошланғич 1-саҳифада»

Тадбирда эътироф этилганидек, истиқлолни асраб-авайлаш, унинг мазмун-моҳиятини кенг аҳоли қатламига тушунтириш, партия Сайловолди дастури ва партиянинг VI съездида илгари сурилган ғояларни ҳаётга жорий этиш – партия ва унинг жойлардаги бўғинларнинг кундалик вазифасига айланган. Буни партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. O'zLiDeP фракцияси ўз йиғилишларида иқтисодиётни либераллаштириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортинча бюрократик тўсиқ ва чекловларни бартараф этишга қаратилган қонунчиликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, бир қанча қонунларни қабул қилишда фракцияимиз муносиб иштирок этгани бунинг тасдиғидир.

Ўтган даврда фракция аъзолари сайловчилар билан 1 минг 593 марта учрашиб, электроратни ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал этишда кўмаклашди. Яъни, муаммоларнинг қарийб 44 фоизи жойида ҳал этилиб, 519 та муружаат маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, 133 таси эса тегишли идораларга тақдим қилинди.

Партияимиз кўйи бўғинлари сонининг 602 тага кўпайгани, айниқса, қувонарлидир. Бу борада Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона, Сурхондарё, Бухоро, Наманган ва Тошкент вилоятларида ижобий натижалар кўзга ташланди. Партияимиз бош таянчи – бошланғич партия ташкилотларининг 21 фоизидан ортиги хусусий сектор, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида, 12 фоизга яқини фермер хўжаликларига, 10 фоизга яқини йирик саноат корхоналари ва банк муассасаларида, 34 фоизга яқини ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларида, 7 фоизга яқини ижтимоий соҳа объектларида фаолият кўрсатаётгани O'zLiDeP ғоялари барча соҳаларга чуқур кириб бораётганидан далолат беради.

Тадбирда кадрларнинг сиёсий билимини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидлаб

ўтилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида партия ходимлари учун махсус бир ойлик ўқишлар ташкил этилиб, ушбу курсларда ҳудудий кенгашлар тавсиясига кўра 50 га яқин ёш кадр ўз билимини оширди. O'zLiDeP тизимида мавжуд бўлган Сиёсий таълим марказлари томонидан эса ўтган вақтда 557 та ўқув-семинар ўтказилди. Ўз навбатида, ушбу марказлар фаолиятини янада ривожлантириш лозимлиги ўқтирилди.

Видеоконференцияда партия ғоялари тарғиботида бағишланган тадбирлар мазмун-моҳиятини янада кучайтириш лозимлигига алоҳида ургу берилди. Айтиш керакки, қайд этилган даврда 16 мингга яқин тадбир ташкил этилиб, унда 570 мингдан ортиқ партияимиз ғоялари хайрихоҳлари иштирок этди. Масалан, «Тадбиркорлар ва фермерлар мулоқот форуми» йўналишида 471 та тадбир ўтказилиб, унда 21 минг иштирокчи қатнашди. Форум доирасида партия электорати учун муҳим бўлган қонунлар лойиҳаси мунтазам муҳокама этиб борилди. Хусусан, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишлаб ўтказилган юздан ортиқ амалий мулоқот давомида 98 та таклиф ва тавсия билдирилди. «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари юзасидан ҳам шундай тадбирлар амалга оширилди.

ТАДБИРКОРЛАРГА
КЕНГ ИМКОНияТЛАР

«Иқтисодиётнинг аграр тармоғини модернизация қилиш» лойиҳаси ҳам тадбиркор ва фермерларда катта қизиқиш уйғотди. Лойиҳа доирасида давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида белгиланган устувор вазифалар муҳокама этилди. Тадбирларда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия

фракцияси ва маҳаллий кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, мутасадди ташкилотлар масъул ходимлари, тегишли тижорат банклари, тадбиркор ва фермерлар мазкур қарорнинг мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида фикр билдиришди.

Ёшлар ва аёлларни қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка янада кенг жалб этиш ҳам партияимиз эътиборидан четда қолгани йўқ. Жумладан, «Диплом билан – бизнесга» лойиҳаси доирасида 1 минг 329 та касб-хўнар коллежида ўтказилган семинар-тренингда 185 минг 944 нафар касб-хўнар коллежи битирувчиси иштирок этди. Лойиҳа доирасида 15 мингдан ортиқ иштирокчининг бизнес-режаси кредит олиш учун тижорат

ана шундай семинарлар ёш авлоднинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтиришга хизмат қилди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, навқирон авлод вакиллари ни спортга кенг жалб этиш, интернет тармоғидан тўғри мақсадда фойдаланишга ўргатиш каби йўналишларда 2 мингга яқин тадбир ташкил этилиб, унда 206 мингдан ортиқ йигит-қиз қатнашди. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида «Оилавий тадбиркорликдан мустаҳкам оилага», «Соғлом оила – мустаҳкам оила», «Фермер аёллар» ҳамда «Ишбилармон аёл» лойиҳалари ўтган 6 ой мобайнида қўллаб ташаббускор, иқтидорли ва фаол хотин-қизларни кашф этди. Унда қатнашган 100 мингга яқин хотин-қиз



банкларига тавсия этилди. Айни пайтда партиянинг «Ёшлар қаноти» томонидан ишлаб чиқилган «Ишбилармон талаба» ва улардан кўзланган мақсад тушунтирилди.

«ПАРЛАМЕНТДА
МЕНИНГ ЎРНИМ»

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган «Парламентда менинг ўрним» лойиҳаси доирасида ҳам 194 та тадбир бўлиб ўтди ва унда 16 минг 300 дан зиёд йигит-қиз иштирок этди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашлардаги депутатлар иштирокида «Миллий қонунчилик ва ёшлар», «Ёш партия етакчилари – келажак кадрлари» мавзуларида ўтказилган

АЪЗОЛАР Сони ОРТМОҚДА

Энг муҳими, диёримизнинг барча ҳудудларида бўлиб ўтаётган бундай тадбирлар партияимиз аъзолари сафининг янада кенгайишида муҳим омил бўлаётди. Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида партия аъзолари сони салкам 50 мингга кўпайгани фикримиз далилидир.

Тадбирда эътироф этилганидек, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия Сайловолди дастуридаги вазифалар рўйи ва ҳудудларнинг ижтимо-



Шухрат РАХИМОВ олган суратлар

ий-иқтисодий ривожланиш дастурининг ижросини таъминлашда Халқ депутатлар ҳудудий кенгашларига O'zLiDePдан сайланган депутатларнинг ўз ўрни бор. Жорий йилнинг ўтган даврида депутатлик гуруҳлари томонидан мансабдор шахсларнинг эшитувлари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 445 тага кўпайди ва 954 тани ташкил этмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинаётган қонун, қарор, дастур ва фармонларнинг тўла ижроси устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, назорат-таҳлил, эшитув ҳамда депутатлик сўровлари механизмларидан самарали фойдаланиш борасида маҳаллий кенгашлардаги депутатлар фаолиятида сезиларли жонланиш кузатишмоқда. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан назорат-таҳлил фаолияти, депутатлик гуруҳлари йиғилишида мансабдор шахс ҳисоботини эшитиш ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашлари сессияларидаги муҳокамасига киритилган таклифлар 2 баробар, депутатлик сўровлари 2,2, сессияларда қабул қилинган қарорлар сони эса 3 мартага ошгани бунинг исботидир.

Ўз навбатида, йўл қўйилган баъзи хато ва камчиликлар ҳам муҳокама этилди. Жумладан, бошланғич партия ташкилотлари ва партия аъзолари сафини кенгайтириш, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларига ташаббус-масала олиб чиқиш, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолигини ошириш,

аъзолик бадаллари тушумини кўпайтириш каби йўналишларда сусткашликка йўл қўётган ҳудудий партия ташкилотлари кескин танқид қилинди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун тегишли таклиф-тавсиялар берилди.

Тадбир якунида иккинчи ярим йилликдаги фаолият учун устувор вазифалар белгилаб олинди. Жумладан, энг улуғ, энг азиз байрамимизни юқори савияда ўтказиш, ёшларга бугунги имкониятларни бундан чорак аср олдинги ҳаёт тарзи билан таққослаб, аниқ мисоллар ёрдамида тушунтириш тавсия қилинди. Шунингдек, истиқлол йилларида тадбиркорликка кенг йўл очилгани, хусусий мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгаргани, миллий анъана ва қадриятларимиз қадр топгани, аждоқларимиз илмий-адабий мероси кенг миқёсда ўрганила бошланганига ургу бериш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, партия Сайловолди дастуридаги мақсад-вазифалар ижроси, ҳудудларда бизнес муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик ва фермерлик субъектларига қонун доирасида яқиндан ёрдам бериш, ёшлар ва аёлларнинг жамиятдаги роли, мавқеини ошириш, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида фаолият юритаётган партия гуруҳлари фаолиятини янада жонлантиришга эътиборни кучайтириш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳасан САЛОМОВ,
«XXI asr» мухбири

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ:

O'zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши билан давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида муборак айёмга бағишлаб вилоят бўйлаб амалий мулоқот ва учрашувлар тизимли равишда ташкил этилмоқда.

Каттақўрғон туманида



ФАОЛИЯТ КЕНГАЙМОҚДА

маҳсулотлари ишлаб чиқарилган эди.

«Rustam Plastex» корхонасида «Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳолати ва истиқболлари» мавзусида бўлиб ўтган тадбирда ушбу корхона фаолияти ўрганилди. Айтиш керакки, бу ерда дастлаб фақат полиэтилен

– Эндиликда, юқори ва паст босимларга мўлжалланган сув қувурлари, полиэтилен пакетлар, турли ҳажмдаги гул-туваклар ишлаб чиқариш билан бирга, иссиқхона парвариши ва балиқчилик билан ҳам шуғулланаямиз, – дейди корхона раҳбари Фахриддин Юлдошев. – Масалан,

БИР БОЛАГА ЕТТИ
МАҲАЛЛА ОТА-ОНА

Тумандаги «Таворон» маҳалла фуқаролар йиғинида «Бир болага етти маҳалла ота-она» мавзусида амалий мулоқот ташкил этилди.

Нарпай туманида

ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ
ЖАДАЛЛАШМОҚДА

«Исमत Саркор» фермер хўжалиги даласида ташкил этилган тадбирда

Амалий мулоқотлар

жорий йилнинг ўзида республикамизнинг бир нечта вилоятига қарийб йигирма тонна балиқ чавоқлари етказдик. Бунинг барчаси биз – тадбиркорларга яратилган қулай шароитлар натижасидир. Қолаверса, O'zLiDePнинг ишбилармонлар манфаатларини қўллаб-қувватлаши туфайли партияга аъзо бўлганмиз. Ҳозирда корхонамиз қошида ўн нафар фаолдан иборат кўйи бугун ташкил этилган.

Амалий учрашувда бир қатор мутасадди идоралар вакиллари иштирокчиларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид амалдаги қонунлар билан яқиндан таништиришди. Хусусан, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби соддалаштирилгани, янги ташкил этилган корхона ва микрофирмаларда ўтказилган режали солиқ текширишларининг мuddати икки йилдан уч йилга узайтирилгани ва бошқа имтиёзлар ҳақида сўз юритилди. Корхонада меҳнат қилаётган ходимларга O'zLiDePнинг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

– Ҳозирги авлодга ҳавасим келади, – дейди «Таворон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аҳбор Ҳудойқулов. – Ҳамма шароит муҳайё, коллеж битирувчилари имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётгани, уларга катта ишонч билдирилаётгани янада қувонарли.

Йиғилганлар ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашда ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

БУ – МЕНИНГ ВАТАНИМ!

Тумандаги 30-сон Болалар мусиқа ва санъат мактабига ўтган «Бу – менинг Ватаним!» номли тадбирда шоир, ёзувчи, спортчи, тадбиркор, фермер, ёшлар ва маҳалла фаоллари иштирок этди. Айтиш халқаро фан олимпиадалари совриндори, 30 га яқини эса спортнинг турли йўналишлари бўйича Осиё ва жаҳон чемпионларидир.

мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор туфайли ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, аҳоли, жумладан, ёшларни иш билан таъминлашга эътибор қаратилди.

– Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди, – дейди Нарпай тумани ҳокими Баҳодир Юсупов. – Тумандаги 450 дан ортиқ фермер хўжалигида 11 минг 522 та иш ўрни ташкил этилиб, амалга оширилаётган лойиҳалар юзтадан ошди. Айтиш мумкинки, мазкур қарор деҳқончилик борасида азалий таърибага эга нарпайлик миришкорларга ўзига хос қанот бағишлади.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар натижасида фермер хўжаликлари аграр тармоқнинг етакчи кучига айланмоқда. Биргина 2015 йилнинг ўзида вилоятда 1 миллион 122 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва картошка, 103 минг 714 тонна полиз маҳсулоти, 556 минг 837 тонна

узум, 375 минг 46 тонна мева етиштирилди. Жорий йилда эса 678 гектар майдонда боғ ва тоқзорлар барпо этилиб, 572 та иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

«Ислом Шоир» маҳалласида ўтган давра суҳбатига мамлакатимизнинг эртанги кунини ёшларнинг таълим-тарбияси, қандай инсон бўлиб вояга етишига боғлиқ эканлиги таъкидланди.

– Ёшлар юртимиз келажигидир, – деди шоира Жумагул Сувонова. – Фарзандларимизнинг юксак шароитларда ўсиб-улғайиши, замонавий билим ва касб-хўнар сирларини ўрганиши амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг асосини ташкил этади. Бугун улкан ютуқларга эришаётган ёшлар орасида нарпайлик ўғил-қизлар ҳам бор.

Тадбирда таълим, фан, мусиқа, санъат ҳамда спорт соҳаларида вилоят, республика ва жаҳон миқёсида катта зафарларга эришаётган бир гуруҳ ёшларнинг қиёси даврига файз бағишлади.

Тадбир давомида тумандаги ёшлар, тадбиркорлардан бир гуруҳига O'zLiDeP аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Мухаббат РАВШАНОВА,
«XXI asr» мухбири



Бошланғич партия ташкилотларида

“БАРЧАСИ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА”

Чилонзор туманида ташкил топган янги қўйи тузилма аъзолари ана шундай фикрда

✓ О'зЛиДеР бошланғич ташкилотлари юртдошларимизда аниқ фуқаролик позицияси шаклланишига таъсир кўрсатяпти, жойларда амалга оширилаётган ислохотларда иштирок этяпти, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал қилинишига кўмаклашяпти. Айтилган қўйи бўғинлар партиямиз электоратини бирлаштириш учун ўзига хос майдон ва унинг манфаатини ҳимоялашнинг бошланғич механизми вазифасини ўтаётди. Шу билан бирга таянч тузилмалар партиянинг янги ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш учун жойларда сиёсий ишлар ўзагига айланмоқда. Бу эса О'зЛиДеРнинг ўз сайловчилари билан узлуксиз алоқада бўлишини таъминляпти.

сифатида ўзини тўлиқ намоён этиши уларнинг нечоғли фаоллигига боғлиқ, — деди у. — Электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, аъзоларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, партия дастурий мақсадларини амалга оширишда БПТлар ҳал қилувчи ўрин тутди.

Кейинги йилларда, хусусан, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш йўналишида муайян муваффақиятларга эришилди. Бундай ижобий натижалар депутатлар, партия кенгашлари ҳамда қўйи тузилмаларнинг тинимсиз изланиши, жонқуярлиги эвазига юзага чиқаётди. Шундай бўлиши табиий. Чунки бирор масаланинг кенгаш мажлисида кўриб чиқилишини тақлиф қилиш учун депутат, биринчидан, мазкур масаланинг ҳақиқатан ҳам долзарб эканлигини кўрсатувчи далилларга эга бўлиши, иккинчидан, масалани кундалик иш жараёнида маҳаллий мансабдор шахслар билан ҳал қилиб бўлмагани борасида аниқ маълумотларга таяниши зарур. Қисқаси, депутат ўзи кўтариб чиқадиган муаммони ниҳоятда пухта билиши керак. Бироқ унинг яққа ўзи масалага тааллуқли барча маълумотларни тўплаши, тартибга солиши, ўрганиб чиқиши мушкул. Бу борада унга партия маҳаллий кенгаши ва бошланғич ташкилотлар ёрдам бериши мумкин. Бинобарин, таянч бўғинлар ишчан, ташаббускор, ўз ваколатларини тўлиқ ишга солишига қодир тузилмалар бўлиши керак.

Партия Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Тўрабек Назаров сиёсий партия аъзоси бўлиш катта масъулият эканини таъкидлади.

— Айнан қўйи бўғин орқали сиёсий партия омма орасига чуқур кириб боради, электорат билан бевоқиф боғланади. Партия сиёсий куч

тарзида кечди. Баҳс-мунозаралардан сўнг корхона бош муҳандиси Козим Худояров бошланғич партия ташкилоти раиси, ходимлар бўлими бошлиги Махлиё Бобомуратова унинг ўринбосари этиб сайланди.

Тадбирда партия ҳудудий ташкилотлари вакиллари, партиямиздан сайланган депутатлар сўзга чиқишди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси, партия Чилонзор туман Кенгаши раиси Раҳматулла Каримов мамлакатимиз сиёсий майдонига кириб келганидан буён партия аниқ ва барқарор ижтимоий қатламга — мулкдорлар синфига таянган ҳолда изчил фаолият юритаётгани хусусида гапирди. Ўз сўзида иқтисодиётимизнинг мустаҳкам таянчига айланаётган ўрта қатлам вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун яратилаётган имконият

Баён этилганлардан маълумки, БПТлар партия фаолиятида тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Бинобарин, партия таянч нуқталар сонини янада кўпайтиришга, улар фаолиятини ҳар жиҳатдан тақомиллаштиришга интиломоқда.

Яқинда яна бир янги БПТ — “7-автобус саройи” МЧЖда тузилган қўйи ташкилот О'зЛиДеР Чилонзор туман Кенгашида рўйхатдан ўтди. Сафимизга 86 нафар янги куч қўшилди. Тумандаги маслакдошларимиз 3 минг 716 нафарга, бошланғич ташкилотлар эса 111 тага етди. Бошқача айтганда, ҳудудда партиямизнинг дастурий гоя ва мақсадларини кенг тарғиб этиш, электорат ичига чуқурроқ кириб бориш, сайловчилар манфаатига оид масалаларни аниқлаш ва ҳал этиш учун имконият доираси кенгаймоқда.

Таъсис йиғилиши эркин мулоқот



“Тошхашартрансхизмат” АЖ бошқаруви раиси ўринбосари, шаҳар кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзоси Ҳосил Холматов БПТ аъзоларини ишбилармонликка тааллуқли янги-янги депутат, биринчидан, мазкур масаланинг ҳақиқатан ҳам долзарб эканлигини кўрсатувчи далилларга эга бўлиши, иккинчидан, масалани кундалик иш жараёнида маҳаллий мансабдор шахслар билан ҳал қилиб бўлмагани борасида аниқ маълумотларга таяниши зарур. Қисқаси, депутат ўзи кўтариб чиқадиган муаммони ниҳоятда пухта билиши керак. Бироқ унинг яққа ўзи масалага тааллуқли барча маълумотларни тўплаши, тартибга солиши, ўрганиб чиқиши мушкул. Бу борада унга партия маҳаллий кенгаши ва бошланғич ташкилотлар ёрдам бериши мумкин. Бинобарин, таянч бўғинлар ишчан, ташаббускор, ўз ваколатларини тўлиқ ишга солишига қодир тузилмалар бўлиши керак.

О'зЛиДеР Чилонзор туман ташкилоти раисининг биринчи ўринбосари Абдунаби Муҳимов партия туман кенгаши билан бошланғич ташкилотлар ўртасидаги алоқаларнинг талаб даражасида йўлга қўйилиши муҳим омиллардан бири эканини алоҳида қайд этди. Мисол

учун, бугунги кунда Сиёсий Кенгаш Ижроия қўмитаси, партия шаҳар бўлимининг мажлислари баённомалари, тегишли қарор ва фармойишлар, йўриқномалар замонавий электрон воситалар орқали таянч бўғинларга етказилмоқда. Ўз навбатида, БПТлар ҳам йиғилишларда кўриланган масалалар, мулкдорлар синфи вакилларининг қонуний манфаатларини ифодаловчи турли тақлифлар ҳамда таҳлилий материалларни партия юқори органига мунтазам тақдим этишмоқда, ҳар бир тадбирни партия туман бўлими билан бамаънаҳат ўтказишмоқдалар. Масъул ходим тез кунларда янги таянч тузилма билан ҳам мустаҳкам алоқалар ўрнатилишини, бунинг учун тегишли ишлар бажарилаётганини баён этди.

Йиғилишда “маслакдошларимиз корхона жамоасини анчадан бери ўйлантириб келаётган бир масалани ўртага ташлашди. Гап шундаки, асосий автомобиль йўлидан корхонага кириш-чиқиш

йўлиги боис, аксарият автобуслар айланаб йўл босмоқда. Оқибатда, йилга ўртача 800 миллион сўм маблағ ва ортиқча вақт сарфланапти.

Депутатлар мазкур муаммо ечимини топишга ваъда бердилар.

— Мажлисида баён қилинган масалалар биз учун янгилик эмас. Улар бўйича муайян тажрибамиз бор, — деди биз билан суҳбатда МЧЖ раҳбари, қўйи бўғин фаоли Баҳодир Исмоилов. — Айтайлик, автосарой ҳудудидида ишлаб чиқариш цехи барпо этганмиз. Яна турли тадбиркорлик субъектлари очиш ниятидамиз. Умуман, истак бўлса, имкон топилади. Ҳаммаси ўз қўлимизда. Биз асосан ўз кучимизга ишонамиз. Мустақиллик байрами арафасида 10 та яп-янги, салони мукамаллаштирилган “Isuzu” автобуслари йўналишларга чиқарилади. Бу ҳам ҳамюртларимиз учун ўзига хос тўхфадир.

Бехзод ИСРОИЛОВ, “XXI asr” муҳбири

Айём шукуҳи

✓ Ўтаётган ҳар бир кунимизнинг кадр-қиммати амалга оширган ишларимиз самараси, одамларга теккан нафимиз ва олдимизга қўйган мақсадларимиз кўлами билан ўлчанади, десак хато бўлмайди. Буни, айниқса, энг азият ва энг улуг байрам — Мустақиллигимизнинг 25 йиллик санаси тантаналарига қизғин тайёргарлик кўриляётган ушбу кунларда янада теранроқ ҳис қилиш мумкин.



Моҳиятан — ҳурлик ва озодлик, мазмунан — яратувчилик ва бунёдкорлик, тинчлик ҳамда фаровонлик тушунчаларини ўзда мужассамлаган истиқлол айёми шукуҳи О'зЛиДеР Жиззах туманидаги “Сувоқова” унитар корхонасида фаолият юритаётган фидойи маслакдошимиз Маҳмуд Дўстмуродов етакчилик қилаётган БПТ фаоллари ташаббуси билан ана шундай тадбир ўтказилди. Унда Халқ депутатлари Жиззах туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи

аъзолари — Шавкат Бадалов, Маматкул Абдувалиев, О'зЛиДеР Жиззах вилоят Кенгаши ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири Шерзод Маматқуллов ҳамда эл эътиборига тушган тадбиркор ва ишбилармонлар, ёшлар иштирок этишди.

Иштирокчилар мустақиллик туфайли барча соҳаларда олиб бориляётган туб ислохотлар самаралари, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда ҳар бир партия аъзосининг ўрни, айниқса, мамлакатимиз иқтисодий қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган ишбилармон ва фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга партия-

вий воситалар билан ёрдам бериш учун барча имкониятларни ишга солиш, бу вазифаларни амалга оширишда партия аъзоси зиммасидаги масъулият ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Шунингдек, сўзга чиққанлар йиғилишда ҳозир бўлган БПТ етакчилари ва аъзоларига мурожаат этиб, байрам арафасида жамоат ва давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳашарлар уюштириш, муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш, юқори савиядаги оммавий тадбирлар ташкил этишга қақирдилар.

Мулоқот ниҳоясида сафимизга қабул қилинган ёшларга гувоҳнома ва кўкрак нишонни топширилди.

— Таъкидлаш жоизки, 12 нафар сафдошимизни бирлаштирган ушбу қўйи бўғин нафақат оммавий тадбирлар, балки О'зЛиДеРнинг айрим лойиҳалари ўтказилишига ҳам баҳоли қудрат кўмаклашмоқда, имконият доирасида электоратимиз манфаатларини ифодаламоқда. Шунингдек, партияга янги аъзоларни жалб этишда ҳам алоҳида жонбозлик кўрсатиб, ибрат бўлмоқда, — дейди О'зЛиДеР Жиззах туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Хуршида Хаиталиева. — Шу кунларда байрамолди тадбирлари туманимиздаги 77 та қўйи бўғинда ўтаётди. Кўтаринки руҳда ўтаётган мулоқотларда мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб қаршилаш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бобораҳим ИБРАГИМОВ,
О'зЛиДеР Жиззах туман Кенгаши БПТлар билан ишлаш бўйича бош консультанти



Партиянинг туман (шаҳар) бўлими кенгаши раиси:

— партиянинг туман (шаҳар) бўлими конференцияси, кенгаши ва юқори партия ташкилоти қарорларининг бажарилишини ташкил этади, шу мақсадда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ташкиллаштиришда ва мувофиқлаштиришда; — бошланғич партия ташкилоти раиси ва унинг ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлайди; — бошланғич партия ташкилотининг партияга аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги қарорларини тасдиқлайди; — партия аъзоларини ҳисобга олиш, аъзоликка қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, аъзоликдан чиқариш тадбирларини бевоқифа амалга оширади; — ҳудудий партия ташкилоти кенгаши, туман (шаҳар) бўлими конференцияси ва кенгаши томонидан берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

О'зЛиДеР Уставидан

✓ О'зЛиДеР Навоий вилоят Кенгаши ҳамда фаол БПТлар саъй-ҳаракатлари билан Навоий шаҳридаги Ёшлар марказида ўтказилган “Сиёсий ўзгаришлар — мустақил Ўзбекистон барқарор ривожланишининг муҳим омил” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тараққиётнинг залворли йўли

Истиқлолимизнинг 25 йиллиги муносабати билан “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шiori остида ўтган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳлари аъзолари, вилоят адлия ва суд-ҳуқуқ тизими ходимлари, партия ҳудудий ташкилоти фаоллари, қўйи бўғинлар етакчилари, тадбиркор ва фермерлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда, жумладан, парламент қўйи палатаси депутати, партиямиз фракцияси аъзоси Дониёр Абдуқодировнинг “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш масалалари”, Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи раҳбари Абдумажид Жўраевнинг “Ўзбекистон тараққиёти: изчил ислохотлар ва уларнинг самарадорлиги” мавзуларига бағишланган маърузалари ҳам тинланди.

Таъкидланганидек, бугунгидай фараҳбахш онларда тарихга назар ташлаб, “Кеча ким эдигу, бугун ким бўлди?” деган саволга жавоб бериш ўринли. Собиқ иттифоқнинг хомашё базаси, аграр мамлакат бўлган Ўзбекистон тарихан қисқа вақт мобайнида қандай йўсида саноати, ишлаб чиқариши ривожланган, аҳоли турмуш фаровонлиги барқарор ўсаётган давлатга айланди? Мустақил тузум ҳукмронлигининг ўнлаб йиллари давомида халқимиз онгаги сингдириб келинган маъмурий буйруқбозлик, режали-тақсимот тизими ва боқимандалик кайфиятидан воз кечиш осон кечдими?

Сўзга чиққанлар шу сингари саволларга атрафли жавоб қайтаришди. Қайд этилганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида ҳам туб ислохотлар амал-

га оширилди. Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши ўз ваколатларини амалга оширишда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлаш, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини ошириш, минтақалар, тармоқлар ва давлатнинг умумий манфаатлари мутаносиблигини таъминлашга самарали хизмат қилмоқда.

— Бугунги тадбирда мустақиллигимиз осонликча қўлга киритилмагани, унинг қадрига етиш, кўз қорачиқдек асраб-авайлаш лозимлигини яна бир қарра ҳис қилдим, — дейди Халқ депутатлари Қизилтепа туман Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳи аъзоси, боғдорчиликка ихтисослашган “Усто Қодир” фермер хўжалиги раиси Амин Уроқов. — Бундан 25 йил олдин мулкдор бўлиш, кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқариш етти ухлаб тушимга ҳам қирмагани. Ўз меҳнатингдан бахраманд бўлиш, тинч ва осуда, эртанги кунингга ишонч билан ҳаёт кечириш, фарзандлар камолини кўришдан ортиқ бахт борми оламда?! Бундай бахтни менга, барчамизга истиқлол берди!

— Халқимизнинг “Ёмонни кўрмагунча яхшининг қадрини билмайсан”, деган гапида жон бор, — дейди Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Навоий вилоят аъзоси Муродилло Ҳакимов. — Ёшларга Ўзбекистонимизнинг тарихи ва бугунги хусусида кўпроқ тушунча ва маълумотлар бериш лозим. Шу маънода О'зЛиДеР Навоий вилоят ва туман (шаҳар) Кенгашлари қошида ташкил этилган тарғибот гуруҳлари томонидан олиб бориляётган қизгин фаолият айни мuddаодир.

Мансур АСЛОНОВ, “XXI asr” муҳбири

ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

Қишлоқда етакчи куч

✓ Қарши шаҳрида “Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги: фермерлик ҳаракати — қишлоқларимиз ривожланишида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч” мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, фермерлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуман иштирокчилари дастлаб ҳудуддаги фермер ҳўжаликларида етиштирилган қишлоқ ҳўжалик ҳамда қайта ишланган тайёр маҳсулотлар кўргазмаси билан танишишди.

Давра суҳбатини вилоят ҳокимининг ўринбосари Мухтор Ҳайитмуродов олиб борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиямиз фракцияси аъзоси, Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси раиси Тўлқин Эшназаров, парламент кўйи палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Рустам Қобилов, Олий Мажлис Сенати аъзоси, “Абдиев Маждид” фермер ҳўжалиги раиси Суянов Абдиев, “Нормўмин бобо” фермер ҳўжалиги раиси Панжи Гелдиев, Китоб тумани Фермерлари кенгаши раиси Вали Ваҳобов ва бошқалар сўзга чиқиб, истиқлол йилларида қишлоқ ҳўжалигига бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчиликни ривожлантиришга йўналтирилган ислохотлар ижобий самараларни, айниқса, фермерликни ривожлантириш, фермер ҳўжаликларининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустаҳкам ҳўқуқий

асос ва қаролатлар яратиш берувчи Ер кодекси, “Фермер ҳўжалиги тўғрисида”ги қонун ва бошқа ҳўқуқий ҳужжатларнинг қабул қилингани соҳа ривожини учун катта имкониятлар яратганини таъкидлашди.

— Янгича иқтисодий муносабатларнинг жорий этилгани боис, фермер ҳўжаликлари нафақат қишлоқ ҳўжалигининг асосий маҳсулотини ишлаб чиқарадиган, балки қишлоқнинг келажаги ва тараққиётини ўз зиммасига олган ижтимоий-сиёсий кучга айланди, — деди Р. Қобилов. — 1998 йилда мамлакатимизда деҳқон ва фермер ҳўжаликлари сони 20 мингтани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 160 мингтадан ошиб кетди. Жорий йилнинг биринчи чорагида фермер ҳўжаликларининг экин майдонлари унумдорлиги, ер банитети, контрактация шартномаларининг бажарилиши, иш ўринлари яратилиши чуқур таҳлил қилинди ва 17 минг 500 дан ортиқ янги фермер ҳўжалиги ташкил этилиб, уларга 5 миллион 800 минг гектар ер ажратилди. Натijaда 250 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда фермер ҳўжаликларида 1 миллион 400 минг киши меҳнат қилмоқда.



— Ҳозирги кунда вилоятимизда 21 минг 780 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда, — дейди Ҳузор туманидаги “Раҳмат бобо” фермер ҳўжалиги бошлиғи Тожи Раҳматов. — Жорий йилнинг ўзиде 2 минг 24 та кўп тармоқли фермер ҳўжалиги ташкил этилиб, 944 та чорвачилик, 233 та паррандачилик, 82 та балиқчилик, 70 та асаларчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун 115 миллиард 800 миллион сўм сарфланди. Натijaда 7 минг 274 та янги иш ўрни ҳозирланди. Эндиликда фермер ҳўжаликларимиз ғалла ва пахта етиштирибгина қолмай, қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш орқали қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш, рақобатбардош

тайёр маҳсулотлар тайёрлаб, ички ва ташқи бозорга чиқаришга эътибор қаратмоқда. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун янги иш ўрни яратиш, ижтимоий-иқтисодий турмушини яхшилашга хизмат қилаяпти.

Давра суҳбатида таъкидланганидек, ўз маҳсулотини қайта ишлаб дунё бозорига чиқариш ҳаракатида бўлган фермерлар учун қўлайлик яратилаётгани, соҳадаги ислохотларнинг узвий давоми бўлмоқда.

Давра суҳбати якунида фермер ҳўжаликларини ривожлантиришга оид тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ

Айни кунларда О‘зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси туман (шаҳар) Кенгаши томонидан Истиқлолимизнинг қутлуғ тўйига бағишланган бир қатор тадбир ва шодиёналар бўлиб ўтмоқда.

ТАДБИРКОРГА ҚУЛАЙЛИК

О‘зЛиДеР Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитасида “Ноль баҳода сотилган давлат мулк объектлари: улардан самарали фойдаланиш ва инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимизнинг 2015 йил 28 апрелдаги “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси ҳамда ноль баҳода инвесторларга сотиладиган давлат объектларидан самарали фойдаланиш, инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш, хусусий мулкнинг даражаси ва ролини тубдан ошириш борасида амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритилди.

— Юртимизда давлат мулкни хусусийлаштириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг улушини кенгайтириш, фойдаланилмаётган давлат объектларини тадбиркорларга бепул бериш, маълум муддатда инвестиция киритиш ва янги иш ўринларини яратишда мазкур қарорнинг аҳамияти катта, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О‘зЛиДеР фракцияси аъзоси Қўтлимурат Бабашев.

Ҳозирги кунда инвесторлар томонидан имзоланган шартномаларга биноан объектларда қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилмоқда. Ушбу қарорнинг яна бир афзаллиги тадбиркорларга давлат объектларини сотиб олиш жараёнини энгиллаштиришдадир.

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

О‘зЛиДеР Чимбой туман Кенгаши томонидан “Соғлом оила — мустаҳкам оила” лойиҳаси доирасида мусобақа ўтказилди. Спортнинг тазквон-до йўналишида йигит ва қизлар ўртасида уюштирилган ушбу мусобақада партиянинг туман кенгаши ва бошланғич ташкилотлар фаоллари, хотин-қизлар кўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги туман бўлими ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ҳолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

ИШЛИ АЁЛ — БАХТЛИ АЁЛ

Партия Қораўзақ туман Кенгаши томонидан “Есим” овул фуқаролар йиғини ҳудуддаги бошланғич ташкилотда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Алишер Давлетназаров ўз сайловчилари билан учрашди.

Партиянинг туман Кенгаши ходимлари ҳамда БПТ фаоллари, мутасадди ташкилотлар вакиллари, овул фуқаролар йиғини оқсоқоллари иштирок этган ушбу тадбирда юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар, партия мақсад ва вазифаларини жойларда тарғиб этишда кўйи бўйинлар фаолияти, сайловчиларнинг муносабатларини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш хусусида фикр алмашилди.

Қайд этилганидек, ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи 24 минг 453 нафар хотин-қизнинг аксарияти тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани қувонарли. Зеро, ишли аёл бахтли аёлдир.

ИСЛОХОТЛАР САМАРАСИ

О‘зЛиДеР Қўнғирот туман Кенгаши томонидан “Ажиниёз” овул фуқаролар йиғини ҳудуддаги бошланғич ташкилотда бўлиб ўтган давра суҳбатида ҳам ўтган даврда эришилган ютуқлар ҳамда партиянинг туман кенгаши, кўйи бўйинлар ва депутатлар гуруҳи аъзолари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ибратли ишлар тилга олинди.

— Қисқа вақт ичида ҳаётга татбиқ этилган ислохотлар таҳсинга сазовор, — деди Халқ депутатлари Қўнғирот туман Кенгаши депутати Гулжан Иембергенова. — Шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, ёшларнинг билим ва дунёқарашини кенгайтириш, инсон манфаатларининг қадрланиши амалга оширилган оқилона сиёсат натижасидир.

О‘зЛиДеР Қорақалпоғистон
Республикаси Кенгаши
Матбуот хизмати

Хавфсиз, ишончли,
барқарор

✓ Истиқлол барча соҳаларда бўлгани каби “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси фаолиятида ҳам туб бурилиш ясади. Соҳанинг иқтисодий имкониятлари янада кенгайиб, хизмат кўрсатиш сифати ошди. Замоनावий ҳаво лайнерлари, юртимизнинг кўрқига кўрқ қўшиб турган аэропортлар “Ўзбекистон ҳаво йўллари”га бўлган ишончли оширди. Буни унинг хизматидан фойдаланаётган йўловчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётганида кўриш мумкин. Бундан 24 йил аввал давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони бу соҳа тараққиётида ўзининг ижобий самарасини кўрсатаётди.

Ўзбекистон фуқаро авиацияси нафақат минтақавий, балки жаҳон авиаташувлар бозорига ҳам етакчи ўрин эгаллайди. Компанияда сўнгги йилларда бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. Мисол учун, ўртамагистрал масофага қатновчи Airbus 320, янги йўловчи ва юк ташувчи Boeing-767 самолётлари эксплуатацияси бошланди. Миллий авиакомпания тренажер мажмуасида ҳаво кемаларининг замонавий тренажер ва Full-flight-симуляторлари ўрнатилди. “Навоий” аэропортида янги юк ва йўловчи ташуш терминаллари, Бухоро ва Урганч шаҳарларида замонавий аэровокзаллар, “Тошкент-3” янги маҳаллий йўналиш аэровокзали ва “Тошкент” аэропортидан учадиган йўловчилар учун янги блок ҳамда пойтахт аэропортида Business Lounge “Uzbekistan Airways” зали ишга туширилди. Сингапур, Волгоград, Воронеж, Калининград, Минскка янги қатновлар йўлга қўйилди. Республикаимиздаги барча аэропортлар халқаро талабларга мос равишда модернизация қилинди ва дунё-

нинг турли бурчакларига рейслар амалга оширилмоқда. Ҳаводаги ҳаракатни бошқаришда парвозлар хавфсизлигини янада ошириш имконини берувчи янги тизим жорий этилган.

Ўтган йиллар давомида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” IUSA аудитидан муваффақиятли ўтиб, қатор хорижий аэропортлар томонидан “Энг пухта авиакомпания” деб тан олинди. Бухоро, Самарқанд ва Урганч аэропортлари “Фуқаро авиацияси аэропорти” бирлашмасининг “МДХ давлатлари орасида йилнинг энг яхши аэропорти” кўрик-танловида бир неча бор голибликни қўлга киритганилиги миқозларнинг миллий авиакомпаниямизга нисбатан ишончли янада мустаҳкамламоқда. Сўнгги йилларда миллий авиакомпания тизимида нафақат йўловчи, балки юк ташуш қатновлари сони ҳам сезиларли даражада ошди. Масалан, ҳозирги кунда Халқаро интермодал логистика маркази (ХИЛМ) фаолият юритаётган “Навоий” аэропортидан Дехли, Мумбай, Дубай, Франкфурт, Шанхай, Сеул, Милан,

Вена, Ханой, Сарагоса ва Техонга юк ташуш қатновлари амалга оширилмоқда.

Дунёнинг 40 дан зиёд шаҳарларига парвозлари амалга оширадиган Миллий авиакомпанияда ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ва ярқилигини таъминлаш — авиакомпания фаолиятида муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда иккита янги Boeing-787-8 Dreamliner самолётларининг эксплуатациясига тайёргарлик кўрилмоқда. Биринчи лайнер мустақиллигимизнинг 25 йиллик муборак тўйи арафасида компания авиопаркини тўлдирди. Мазкур лайнер замонавий, узоқ масофага учувчи, инновацион технологиялар асосида яратилган.

Авиакомпания ўз фаолиятини янада яхшилаш, рейслар сонини ошириш борасида қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ниятида. Жумладан, авиопаркини янги ҳаво лайнерлари билан тўлдирди, йўловчиларга имтиёзлар бериш “Ўзбекистон ҳаво йўллари” нинг яқин келажақдаги устувор вазифаларидан. Бу борада жанубий корейлик ҳамкорлар билан Марказий Осиёда ягона бўлиши кутилаётган “Тошкент-4” лойиҳаси устида қизгин иш олиб борилмоқда. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон фуқаро авиациясини хавфсиз, ишончли ва барқарор авиаташувчи макомини янада мустаҳкамлаши ҳамда нуфузини юксалтириши шубҳасиз.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари”
миллий авиакомпанияси
Ахборот хизмати
материаллари асосида
Шодиёр ИСМАТ тайёрлади.

Молиявий барқарорлик таъминланади

Миллий матбуот марказида Марказий банк томонидан соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилган натижаларга бағишланган ошқ мўлоқот ўтказилди. Унда банк мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, айни пайтда республикамизда 26 та тижорат банкнинг 854 та филиали, 4 минг 292 та мини-банк ва чакана хизмат кўрсатувчи муассасаси хизмат кўрсатмоқда. Эндиликда миқозлар ўз ҳисоббаракатларини масофадан туриб, реал вақт режимида уяли ва электрон алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда бошқариш имкониятига эга бўлишди. Хусусан, сўнгги беш йилда ушбу хизматдан фойдаланувчилар сони 1,1 миллиондан ошган.

Тижорат банклари фаолиятини халқаро андозалар асосида ташкил этиш, бухгалтерия ва молиявий ҳисоб-китобларни эътироф этилган мезонларга мувофиқлаштириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Бу эса банк назорати бўйича Базель кўмитасининг янги тавсияларини (Базель-3) мамлакатимиз банк тизимига МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб жорий этиш имконини берди. Ликвидлигини таъминлаш бўйича қўшимча меъёrlар жорий қилинди, банк активлари сифатини таснифлаш ва хатарларни бошқариш тизимлари янада такомиллаштирилди.

Банкларнинг ўз миқозлари олдидеги мажбуриятларга масъулият билан ендашаётганиги кутилган самараларни бермоқда. Айниқса, ресурс базасини шакллантириш ва янада ошириш учун депозит операцияларга алоҳида урғу берилмоқда. Ҳозирги пайтда аҳолининг 8 триллион сўмдан ошқ пул маблағлари депозитларга жалб қилинган. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйималари эса 48 триллион сўмдан ошди. Унинг 79,8 фоизи узоқ муддатли кредитлардир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилаётган сармоялар ҳажми йилга ўртача 30 фоиздан ортмоқда.

Мусурмон РЎЗИЕВ,
“XXI asr” муҳбири

Эълон

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Хизматлар лицензияланган

XALQ BANKI

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ ОҚҚЎРҒОН ФИЛИАЛИ БИНОСИНИНГ ОРҚА ДЕВОРИНИ БЕЛГИЛАНГАН МЕЪЁРИЙ ДАРАЖАГА КЎТАРИШ ВА БИНО ҲОВЛИСINI ТЕМИР ПАНЖАРА БИЛАН ЎРАШ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Бажариладиган таъмирлаш ишларининг баҳоси қўшимча қиймат солиғисиз 145 027 314 (бир юз қирқ беш миллион йигирма етти минг уч юз ўн тўрт) сўм.
2. Таъмирлаш муддати — 60 кун.
3. Тижорат тақлифлари (нархлар

бўйича алоҳида, техник талаблар бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан муҳрланган бўлиши лозим) 2016 йилнинг 26 август куни Тошкент вақти билан соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

4. Теңдер шартларига оид кў- 18-00 га қадар қуйида кўрсатил- шимча маълумотларни душан- ган манзил ва телефон рақамлари ба-жума кунлари соат 09-00 дан орқали олиш мумкин:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 46-ўй.
Телефон: (0-371) 273-86-57, факс: (0-371) 273-86-57. e-mail: taxlii883@xb.uz

РЕКЛАМА

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

Қарши чўлидаги нурхона

“Талимаржон иссиқлик электр станцияси” унитар корхонаси директори Абдусами НОРМУМИНОВ билан суҳбат



– Бундай электр станцияси дунёдаги санокли мамлакатлардагина бор. Турли сабабларга кўра узоқ йиллардан буён битмай ётган корхона қурилиши Президентимиз ташаббуси билан тугалланди, 2004 йилнинг 18 ноябрь кунини иссиқлик электр станцияси ишга туширилди. Соатига 800 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга қудратли энергоблокнинг қуриб битказилганлиги мустақиллик туфайли қўлга киритилган ютуқларимиздан бирidir. У турдош корхоналар ичида кам ёнилги сарфлаб, нисбатан кўп энергия ишлаб чиқариши билан ажралиб туради.

2016 йилнинг биринчи ярмида корхонада 3 миллиард 164 миллион 277 минг киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилди. Ҳозир бир ойда 540 миллион киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилаётган бўлса, иккинчи ва учинчи блоklar ишга туширилгач, ишлаб чиқариш ҳажми 1 миллиард киловатт/соат электр энергиясини ташкил этади.

Корхонамизнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида ҳар бири 450 мегаваттли 2 та буғ-газ қурилмасини ишга тушириш борасида амалий ишларни бошлаб юборганмиз. Қурилиш ишлари бўйича бош пудратчи Жанубий Кореянинг “Хундай” компанияси ҳисобланади. Қурилиш-монтаж ишларини “ПГУ-Тупаланг” шўба корхонаси амалга оширмоқда. Ҳозир иккита қурилманинг қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, синавдан ўтказилаёпти. Энг улук ва азиз байрамимиз арафасида 2-қурилмани ишга тушираемиз. Учинчи қурилма эса янги йил арафасида ўз фаолиятини бошлаши режалаштирилган. Ҳар иккала қурилма ишга туширилгач, корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати 1 минг 700 мегаваттга етади.

– Корхонадаги барча бошқариш тизими автоматлаштирилган. Узлуксиз иш жараёнини таъминлаш мутахассислардан юқори билим ва катта малака талаб қилиши аниқ...

– Ишчи-хизматчиларимизнинг олтимиш фоизи олий маълумотли, катта билим ва тажрибга эга бўлган малакали мутахассислар. Уларнинг кўпчилиги станциянинг қурилишида иштирок этиб, иншоот ишга туширилишига муносиб ҳисса қўшган. Ҳар йили 50 дан ортиқ ишчи-ҳодимимиз “Ўзбекэнерго” ДАК қошидаги Маҳаллий мутахассисларнинг малака-

сини ошириш марказида таҳсил олади. Ўқув-машқ бўлими энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан жиҳозланган, замонавий дастурлар билан таъминланган. Цехларимизда меҳнат қилаётган барча ишчи-хизматчилар муттасил билим ва малакасини оширади, синавдан ўтади. Марказда станциямиз ишлаб чиқариш жараёнининг ихчам схемаси яратилган бўлиб, ёш мутахассислар малакали устозлари кўмағида замонавий ишлаб чиқариш тизимини бошқариш маҳоратини эгаллашади. Машгулотларни хоризнинг етакчи компаниялари ва “Ўзбекэнерго” ДАКда

ишлаши учун таъмирлаш ишларини бажаради. Кимё цехида эса бутун энергия-блок учун ишлатилаётган сув тозаланади. Мутахассисларимиз мамлакатимиз ва хориздаги турдош корхоналарда малака ошириб қайтишяпти. Бу ишнинг сифати ва самарасини таъминламоқда.

Корхонамизда билимдон ва изланувчан ёшларни кашф этиш ва уларнинг иқтидорларини муносиб рағбатлантириш мақсадида “Энг ёш нурчи” кўрик-танлови мунтазам ўтказилмоқда. Танловнинг бу йилги босқичида кимё цехи машинисти Аҳмад Ибодов голиб деб топилди.

Кимё цехида техник сув тайёрлашда идишларга насослар орқали суюлтирилган бўр ҳайдалади. Аҳмад Ибодов насосни 1 тонна сувни идишнинг сўрув қисмига узатиш мумкин деган рационализаторлик таклифи билан чиқди. Бу таклиф техник комиссия томонидан маъқулланиб, амалиётга жорий этилди ва йилга 176 минг 800 киловатт электр энергиясини тежаш имконини берди.

Кўп. Айни пайтда касб-ҳунар коллежларини битирган 250 нафар ёшлар корхонамизда меҳнат қилиб, ютуқларимизга му-



носиб ҳисса қўшмоқда. Бу йил ҳам Нишон саноят энергетика касб-ҳунар коллежини битирган 25 нафар йигит-қизини иш билан таъминлади.

– Ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитини яратиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

– Корхонамизда 1 минг 800 га яқин юқори малакали муҳандис-техник ҳодим ва ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шундан 400 дан зиёди хотин-қизлардан иборат. Наврўз

Кимё цехида техник сув тайёрлашда идишларга насослар орқали суюлтирилган бўр ҳайдалади. Аҳмад Ибодов насосни 1 тонна сувни идишнинг сўрув қисмига узатиш мумкин деган рационализаторлик таклифи билан чиқди. Бу таклиф техник комиссия томонидан маъқулланиб, амалиётга жорий этилди ва йилга 176 минг 800 киловатт электр энергиясини тежаш имконини берди. Бундай иқтидорли ёшлар корхонамизда

кўп. Айни пайтда касб-ҳунар коллежларини битирган 250 нафар ёшлар корхонамизда меҳнат қилиб, ютуқларимизга му-

носиб ҳисса қўшмоқда. Бу йил ҳам Нишон саноят энергетика касб-ҳунар коллежини битирган 25 нафар йигит-қизини иш билан таъминлади.



тиқомат қилади. Ўтган даврда шаҳарча қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ерда кенг қўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳарчада яшовчиларнинг саломатлигини яхшилаш, спорт билан мунтазам шугулланишлари учун шароит яратиш, болалар спортини ривожлантиришига ҳисса қўшиш мақсадида катта мевали боғ ва спорт-соғломлаштириш комплекси барпо этилди. Стадион, теннис корти, волейбол майдончаси ва бошқа спорт майдончаларини ўзида мужассам этган бу мажмуа корхона ҳомийлиги билан бунёд қилинди.


– Ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитини яратиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

– Корхонамизда 1 минг 800 га яқин юқори малакали муҳандис-техник ҳодим ва ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шундан 400 дан зиёди хотин-қизлардан иборат. Наврўз



байрами арафасида “Ўзбекэнерго” ДАК раҳбариятининг бевосита қўллаб-қувватлаши натижасида ишчи-хизматчиларимизнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида 35 ўринли тиббий-санитария маскани фойдаланишга топширилди. Энг сўнгги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган мазкур тиббиёт масканида 65 нафар малакали шифокор ва ҳамшира меҳнат қилаёпти. Бу муассаса нафақат корхонамиз ишчи-хизматчилари, балки Нуристон кўрғончаси ва Нишон тумани аҳолисига замонавий тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Нуристон шаҳарчасида станциянинг 30 мингдан зиёд ишчи-хизматчиси ис-



тиқомат қилади. Ўтган даврда шаҳарча қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ерда кенг қўламда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳарчада яшовчиларнинг саломатлигини яхшилаш, спорт билан мунтазам шугулланишлари учун шароит яратиш, болалар спортини ривожлантиришига ҳисса қўшиш мақсадида катта мевали боғ ва спорт-соғломлаштириш комплекси барпо этилди. Стадион, теннис корти, волейбол майдончаси ва бошқа спорт майдончаларини ўзида мужассам этган бу мажмуа корхона ҳомийлиги билан бунёд қилинди.

– Ишчи-хизматчиларга қулай меҳнат ва дам олиш шароитини яратиш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

– Корхонамизда 1 минг 800 га яқин юқори малакали муҳандис-техник ҳодим ва ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Шундан 400 дан зиёди хотин-қизлардан иборат. Наврўз

Мевали ва манзарали дараклар ақилиб, майдончалар жиҳозланди. 100 дан ортиқ ходимга намунали лойиҳалар асосида уй-жой олиши учун узоқ муддатли қарзлар берилди.

Ишловчилар учун хавфсиз меҳнат шароити яратиш, саломатлигини муҳофаза қилиш корхона касабга уюшма ташкилоти зиммасида. Корхонада ҳар йили меҳнат муҳофазаси учун катта маблағ сарфланади. Ишчилар мунтазам равишда янги махсус кийим-бош билан таъминланади.

Хориздан 50 та замонавий тикув машинаси келтириб, корхонамиз қошида тикув цехи ташкил этилди. 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда корхонамиз ходимлари учун иш кийимлари тикилмоқда. Хотин-қизларимиз учун алоҳида ювенил хоналари ташкил этилган. Тиббиёт пункти туну кун ишловчилар хизматида. Ҳар йили 100 дан ортиқ ходим республикаимизнинг энг яхши сўхатгоҳларида саломатликларини тиклаб қайтишади. Яқкабоғ туманида жойлашган “Соҳибқирон” болалар оромгоҳида ҳар йили ишловчиларимизнинг минг нафар фарзанди мириқиб ҳордиқ чиқаради. Корхонада ишлаб, нафақага чиққан фахрийларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилади. Шаҳарчада жойлашган истироҳат боғи ва Амир Темури номидаги маданият уйи ишчи-хизматчилар хизматида. Корхонамиз ҳомийлигида ташкил этилган “Нуристон машъали” футбол жамоаси мамлакат чемпионатининг 2-лигасида тўп сурмоқда.

Яна бир хушxabар. Яқкабоғ туманида ташкил этган интенсив боғимиз бу йил ҳосилга кирди. Етиштирилган олмани ишчиларимизга арзон баҳоларда тарқатамиз. Корхонамиз қошида ёрдамчи ҳўжалик шаклида “Нуристон ризқ насибаси” масъулияти чекланган жамият ташкил этилган бўлиб, унга 500 гектар ер ажратилган. 450 гектар ерда чорва молларига озуқа етиштирилади. Чорвачиликни ривожлан-

тиришга жиддий киришганмиз. 180 бош йирик, 250 бош майда шохли молимиз бор. 50 гектар майдонда етиштирилаётган сабзавот, полиз маҳсулотлари ишловчиларимизнинг дастурхонларини тўкин қилмоқда. Ишчи-хизматчилар эндиликда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишонанинг ўзида арзон нархларда харид қилишяпти.

– Корхонадаги O’zLiDeP бошланғич ташкилоти фаоллари қандай юмушлар билан банд?

– Корхонамиздаги партия кўйи бўғини 360 нафардан ортиқ аъзони ўз сафида бирлаштирган бўлиб йигилишларда туман аҳолисининг долзарб муаммолари кўтарилди. Фаолларимиздан Халқ депутатлари Нишон тумани Кенгаши депутатлари – Анвар Аширов, Шўхрат Нормўминов, БПТ аъзолари – Абдугани Пардаев, Самадулло Собиров, Абдурасул Мейлиев, Хайрулла Чўллийев мунтазам туман маҳаллаларида бўлишиб, аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб боришяпти.


Мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаятган корхонамиздаги O’zLiDeP таянч тузилмасининг ташаббускорлиги кўп сайин ортиб бораёпти. Қўлга киритилаётган ютуқлар-

50 гектар майдонда етиштирилаётган сабзавот, полиз маҳсулотлари ишловчиларимизнинг дастурхонларини тўкин қилмоқда. Ишчи-хизматчилар эндиликда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишонанинг ўзида арзон нархларда харид қилишяпти

да партия аъзоларининг улуши катта. Улар жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга онгли муносабатда бўлишиб, истиқлол шарофати билан амалга оширилган ислохотлар самарасини халқимизга етказишда алоҳида ўрнатқ кўрсатишмоқда. Бугун корхонамизда бажарилаётган барча ободонлаштириш ва таъмирлаш ишларида бошланғич ташкилотимиз фаоллари ташаббус кўрсатишяпти. Ташаббускорлик ва ишонч бор жойда эса ҳамшира муваффақиятга эришилади.

Шу кунларда жамоамиз мустақиллигимизнинг 25 йиллик тўйини муносиб кутиб олиш мақсадида янада фаолроқ ва масъулият билан меҳнат қилаёпти. Корхонамизда “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!” деган гоғани ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар депутатлар ва партиалар фаоллари ҳамкорлигида юксак уюшқоқлик ва кўтаринкилик билан ўтказилаёпти.

“XXI asr” мухбири Сайфулла ИКРОМОВ суҳбатлашди.



МОҲИЯТ



Абдуқодир ЭРГАШЕВ,
эколог олим, биология
фанлари доктори, профессор:

...Ўтган асрнинг 50-60-йиллари. Мактаб ўқувчиси эдим. Эрта баҳор, катталар қатори ер чошиб, ариқ қазиймиз, далага гўнг чиқарамиз. Биласиз, чигит экишдан олдин дала яна шудгор қилиниб, борона ва мола босилади. Бу тупроққа нам сақлаш билан бирга бегона ўтларни йўқотишга ҳам ёрдам беради.

13-14 ёшли ўспиринимиз, мактабдан келишимиз билан бир бурда нонни қўлтиққа уриб, далага чопардик. Шундай кунларнинг бирида, кечаси билан мола миниб чарчаган болалардан бири – менинг ёнимда ўтирадиган Жўравой жойида йўқлигини сезиб қолдим. Одатда, биз, чанг-тўзондан қочиб, бош-кўзимизга аёлларнинг оппоқ доқа рўмолини ўраб олар эдик, унда ҳеч нарсани кўриб бўлмайдик. "Скафандр"ни ечиб қарасам, ёнимда дўстим йўқ. Жон ҳолатда бақириб юбордим. Тракторчиға ҳар қанча овоз бермай, у мени эшитмасди. Ахийри, кесак олиб отдим. Қаттиқ силтовдан мола устида ўтирган болалар олдинга – ўт-ўлан, илдиш ва кесакка кўмилиб қолган бороналар устига кулаб тушди. Кўзлари қонлаш, қорамой ва чангга беланган тракторчи бир қўлида пачоқроқ катта алюмин чойнакни ҳавода силқитганча биз томон ўдағайлаб келди. Мени кўрқув босди. У бизга яқин келди-ю, кесакни ким отди деб бақириб ўрнига йиқилган жойидан туришга ҳоли келмаётган, тупроққа беланиб ётган болаларга қараб, тош қотиб қолди.

Балки шу пайт ўтган йили дала шийпониди бўлган бир гап унинг эсига тушгандир. Ушанда у раисга: "Ҳов, раис бува, ахир булар ҳам ўзимизнинг жигарларимиз-ку, буларда нима гуноҳ? Кўйинг-да, уларни. Мактабига борсин, ўқисин, ахир. Унтаси ўрнига мана бу битта бетон кундани молага симласак оғирроқ бўлади-ку" деган. Раисимиз Убайд Маҳсум эса унга юзланиб: "Ҳов Умарвой, бўтам, менга қара, нима бало, бугун пиён-миён эмасмисан?! Сен билган шу гапни мен билмайманми? Биладан, жуда яхши билман-да! Ахир мен, деҳқон боласи ҳам ўзимизга ўхшаб бир оз тупроқ чангини ютиб улгайса, оқ билак, тақасалтанг бой-вачча бўлиб қолмасмиди, ер билан тиллашадиган, меҳнат-севар одамлар бўлармиди, деб шуйтапман-ку, жигар. Ўша, сен тарафини олаётган болалардан биттаси ўзимнинг тўнғичим-ку", деган эди. Раисдан енгилгани эсига тушиб, Умар тракторчи қўлидаги чойнакни улоқтириб юборди. Шахт билан оғир ёғоч молани бир учидан баланг кўтарди-да, бороналар устига суриб ташлади. Мола остида тупроққа қоришиб ётган болакайни даст кўтариб уватга олиб чиқди ва ажриқ устига ётқизди. Жўравойнинг чанг босган лабларини камзули енгил билан артиб, ўпқасини тўлдириб нафас олди ва унинг оғзига энгашганча пуфлай бошлади. Бир оз ўтгач, Жўравой ўқчи-ўқчи нафас олди, кейин кўзини очиб бизга жовдираб қаради.

Умар тракторчи тупроққа беланиб ўтирган бошқа болаларни ҳам дала четига олиб чиқди. Шундан кейин ҳали ўзи улоқтирган алюмин чойнакни қидира бошлади, топиб, ариқ томон югурди. Сув тўла чойнақдан болаларга юз-кўллари ювдириб, оғиз-бурунларини фар-гара қилдирди ва трактор кабинасида осиглиқ халтадан бир оз суви қочган нон олиб келди. Ноннинг чангини тозалади ва белбоғини ёзиб устига ушатди. "Қани олинглар, ўзимизнинг ернинг нони", деб жилмайди. Ажаб, ўша нон таъми оғзимда қолган, жуда ширин эди...

Умар аканинг ўша оддий, меҳр силққан муомаласидан қаттиқ таъсирланганман. Шу воқеадан бир оз вақт ўтгач, унга шогирд тушиб, мактабни битиргунча тракторда ер ҳайдаганман... Балки шу сабаб халқимизнинг "Эрларини йўқотган эл ўн йил йиғлар, Ерларини йўқотган эл минг йил!", деган ҳикмати менга бошқача таъсир қилар. Одамзотни боқиб, тўйдириб, кийинтириб келаётган она ерга бўлган муносабатимизни тубдан яхшилашимиз, азалий мувозанатни янада чуқурроқ англаб етиб, бу уйғунликнинг бузилишига йўл қўймайлигимиз лозим.

Эҳтимол, одам боласи туйғулар тарбиясини фақат ирсият механизми орқали олмас, ҳаётда кўрган-билганлари, ибрат бўлган одамлар ва таъсир ўтказган бадий асарлар орқали кўпроқ ўзлаштиради. Шу маънода, талабаларнинг телевидение каналлари намойиш этаётган кўрсатувларни таҳлил этиши шунга кўра журналист чиқарган хулосада катта ҳақиқат бор. Ўсиб келаётган ёш авлод туйғуларининг экологик мувозанати телевидение ва интернетнинг шарм-ҳаёсиз каналу сайтларига боғлиқ қолаётгани, бу жараён назоратидан чиқиб кетгани жуда хатарли, деб ўйлайман.

РЕКЛАМА



Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банк

яқинлашиб келаётган Мустақиллик байрами муносабати билан миллий валютада қўйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:
"МУСТАҚИЛЛИК – 25"

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.



Шу билан биргаликда "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонат турларини қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоқур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларнинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш fondi томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

– солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
– маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

– эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
– миқдори чекланмаган!

"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Байроғимиз сарбаланд бўлсин!

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида старт олган XXXI ёзги Олимпиада ўйинлари ўзининг қизгин палласига кириб бормоқда. Спортнинг турли йўналишларида иштирок этаётган терма жамоамиз аъзолари ҳозирча 2 та бронза медални кўлга киритишди.



ИШОНЧ ОҚЛАНДИ

Дзюдочимиз Дивербек Ўрозбоев бу мусобақада дастлабки совриндоримиз бўлди. Вазни 60 килограммгача бўлган полвонлар курашида иқтидорли спортчимиз Австралия, Швейцария, Бразилия ва Грузия терма жамоалари аъзоларини мағлубиятга учратиб, бронза медалига сазовор бўлди.

66 килограммгача вазн тоифасида икки карра жаҳон чемпиони, Пекин ва Лондон Олимпиадалари совриндори Ришод Собиров ҳам бронза медали билан кифояланганга мажбур бўлди.

БОКСЧИЛАРИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

Хуришд Тожиев 60 килограммгача бўлган чарм кўлқоп усталари ўртасидаги дастлабки жағда қатарлик Жаҳан Эрескерга қарши рингга чиқиб, ғалаба қозонган бўлса, чорак финал йўлланмаси учун кечган беллашувда эса буюк британиялик Жозеф Кординани ҳам мағлубиятга учратди. Хуришд яна битта жағда ғалаба қозонса, камиди бронза медали соҳибига айланади.

Вазни 69 кг. гача бўлган боксчилар мусобақасида қатнашаётган Шахрам Ғиёсов испаниялик Йоуба Ндые Сиссокини мағлуб этган ҳолда дастлабки ғалабасини нишонлади. Навбатдаги рақиб – литвалик Эймантиас Станионис!

49 кг. гача бўлган вазнда юрдошимиз Ҳасанбой Дўсма-тов дастлаб мексикалик Хоселито Велазуэга қарши рингга чиқди. Мустаҳкам ҳимоя, кучли техника, аниқ ва тезкор зарбага эга боксчимиз рақибга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Энди у чорак финалда қозоғистонлик Биржан Жакипов билан беллашади.

Газета саҳифаланаётганда:

Вазни 91 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Рустам Тулаганов илк жағдада эквадорлик Хулио Цезар Кастиллини 3:0 ҳисобда енгиб, чорак финалга йўлланма олган эди. Тажрибали боксчимиз кеча озарбайжонлик Абдуқодир Абдуллаев билан ўтган ниҳоятда муросасиз бой баҳсда рақибни мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўлланма олди.



Сардор ТУРОВОВ



БИЛАМИЗМИ?

Фойдаси ва зарари


нуви, юрак ва ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди. Жигар касалликлариде тавсия этилади. Янги картошканинг шарбати ошқозон яраси ҳамда жигилдон қайнашида жуда яхши даво ҳисобланади.

Картошкани пишираётганда иложи борича фойдали элементларни сақлаб қолди керак. Бунинг учун уни тез пиширган маъкул. Артиб сувга солиб қўйилган картошқадан минерал тузлар, органик кислоталар ва углеводлар чиқиб кетади, С1, В1, В2, РР витаминлари ўз таъсирини йўқотади.

Картошка янги бўлса уни пўсти билан қайнатган маъкул. Пўстлоқ қайнатиш жараёнида фойдали моддалар чиқиб кетишидан ҳимоялайди. Шунингдек, бу усулда пиширилган картошка томоқ-бурун касалликлариде яхши самара беради.

Картошкани жуда мазали ва фойдали тайёрлаш усули – газ печида пўсти билан

пиширишдир. Энг зарарлиси эса фарб мамлакатларидан кириб келган ва ёшларимиз орасида тобора урф бўлаётган "картошка фри"дир. Аммо қовурилган картошкани севиб истеъмол қилувчилар учун унинг фойдали хусусиятларини сақлаб қолувчи усул ҳам бор. Бунинг учун ёғни қиздириб, тўғралган картошкани соламиз ва баланд оловда 10 дақиқа қовурамиз, сўнг тагини ўчириб қозон устини қопқоқ билан 10 дақиқага ёпиб қўямиз. Тайёр бўлган кўкатлар билан дастурхонга тортиш мумкин.



Асалнинг ҳам ози яхши деганларидек, ушбу маҳсулотнинг ҳам ноҳўя таъсирлари бор. Картошка пўстлоғи таркибидаги соланин моддаси инсон саломатлиги учун хавфли бўлиб, уни истеъмол қилиш организмнинг захарланишига олиб келади. Айниқса, ҳомилдор аёллар эҳтиёт бўлишлари зарур. 3 ойдан ортиқ сақланган ёки яшил картошкани истеъмол қилганда бош айланиши, асаб тизими бузилиши, қорин соҳасида оғриқ, ич кетиш ва қайт қилиш каби ноҳўя таъсирлар кузатилиши мумкин. Картошка танлаётганда яшил ранглисини олманган маъкул, сабаби унда зарарли модда кўпроқ бўлади. Усти қаттиқ ва силлиқ, ўртача ва кичикларини олиш керак, катталарида фойдали элементлар 3 баробар кам бўлади.

3 ойдан кўп сақланган картошқаданги соланин миқдорини пасайтириш учун унинг пўстини қалинроқ артинг ҳамда ядриқ тузга белаб қўйинг. Ёдда тутиш лозимки, соланин асосан пўстлоқ остида тўпланади, туз эса нитратлар ва соланинни чиқариб ташлайди.

Умида ХУДОЙНАЗАРОВА тайёрлади.



MUASSIS:
TADBIKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O'ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

ASR
ILTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Содиқжон ТУРДИЕВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ
Абдумажид КАРИМОВ
Алишер ШАЙХОВ
Икбол МИРЗО

Қўзғончак САНАКУЛОВ
Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Аҳам ШОДМОНОВ
Расул КУШЕҒБАЕВ
Виктор ПАК
Бегмат ОЧИЛОВ

Таҳрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.

электрон почта:
xxi.asr@gmail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).

Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда
10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" навиёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 866 Тираж: 8380
Баҳоис келишилган нарҳда. Топширилди – 04:40

Таҳрират келган қўлзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларда манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нукта
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун таҳрират
жавобгар эмас.

Газета таҳрират компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнёр

Маъруфжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2151-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5

Навбатчи муҳаррирлар:
Б. ИСРОИЛОВ, Х. САДУЛОВ